# Шаъбон ойининг фазилати

15:42 / 17.03.2021    2443

وَقَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا: مَا رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَصُومُ شَهْرَيْنِ مُتَتَابِعَيْنِ إِلَّا شَعْبَانَ وَرَمَضَانَ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ بِسَنَدٍ حَسَنٍ

«Умму Салама розияллоҳу анҳо:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Шаъбон ва Рамазондан бошқада икки ой кетма-кет рўза тутганларини кўрмадим», дедилар».**

*Термизий яхши санад билан ривоят қилган.*

Шаъбон ва Рамазон ойлари кетма-кет келиши маълум, Пайғамбаримиз алайҳиссалом шу икки ойнинг рўзасини тутган эканлар. Демак, Шаъбон ойи рўзасининг фазилатли эканлиги, ушбу ойда кўпроқ ибодат қилиш лозимлиги маълум қилинмоқда.